

Қўшработ туман Халқ таълими бўлимига қарашли 27- умумтаълим мактаб
биноси жорий тамирлаш ишларини олиб бориш бўйича лот (09.09.2022 йилдаги №
лота 22110012144248)
шартнома №2

2022 й. «15» 9

437-7-97-ХТ/2022-

сон

Ш.

"ООТЕРА GAZ QURILISH" МСНҲ кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи А. Аманов номидан, бир томондан ва Қўшработ туман Халқ таълими бўлими (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади), ўзининг Низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи мудир Х. Холиқулов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га Қўшработ туман Халқ таълими бўлимига қарашли 27- умумтаълим мактаб биноси жорий тамирлаш (кейинги ўринларда - "Ишлар" деб юритилади) ишларини бажариш, "Буюртмачи" ушбу "Ишлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Ишлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ

ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

- 2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- 2.1.2. "Бажарувчи"дан "Ишлар" "Буюртмачи"нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
- 2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуқсон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Ишлар" кўрсатилишини талаб қилиш;
- 2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:
 - зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" шунга ўхшаш "Ишлар" билан алмаштирилишини;
 - "Ишлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
 - баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
- 2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

- 2.2.1. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;
- 2.2.2. «Ишлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказгандан сўнг _____ кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

- 2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;
- 2.4.2. Агар "Ишлар"ни бажариш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни _____ кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 30 % (9 460 800) (Тўққиз миллион тўрт юз олти миш минг саккиз юз) сўм НДС билан 31 536 000 (Ўттиз бир миллион беш юз ўттиз олти минг) сўмини ташкил этади. Бажариладиган "Ишлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.
- 3.3. Бажариладиган ишлар(хизматлар) учун олдиндан тулов миқдори 30% ни ташкил қилади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.0. Ишларни бажариш муддати 2022 йил 14 - сентябрдан 2022 йил 29 октябргача белгиланади.
- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортикча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтари юригади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади.
- Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.
- 4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, ҳажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.
- 5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортимент, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.
- 5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши берилган "Ишлар"нинг 25 фоизи миқдоридан жарима тўлайди. Жаримадан ташқари "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам қўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарк «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «14» сентябрдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

8.2 Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб Қушработ тумани бўйича Ғазначилик бўлинмасида белгиланган тартибда рўйхатдан утказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

X. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

10.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

10.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

10.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай

турдааги имтиёз, устунликлар инмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот олдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

10.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда куйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди: а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинойий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айланттириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; в) орупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

10.5. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан куйидаги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт: - коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; - улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; - уларни фақат тарафларнинг оддий қундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортикча тўловларни амалга оширмаслик.

10.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши кўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар бериш маъноси бўлган уларга таъйин қилинган қўшимча шартларга қўйиладиган қўшимчалар.

10.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши кўшимча шартларнинг 7.4- ва 7.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф

қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлик қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ЕРА GAZ QURILISH" МСНҲ

Манзили: Қўшработ тумани

тел/факс :

х/р: 20208000000609320001

Банк номи: Самарканд ш., Турон АТ банк

Самарканд ш.ф.

МФО: 00282 ИНН: 303904059

ИФУТ:

Рахбар:

А. Аманов



"Бююртмачи"

Қўшработ туман Халқ таълими бўлими

Қўшработ тумани маркази

Тел/ факс:

х/р; 100022860182167092100075092

ИНН: 200750763 ИФУТ 97600

Қўшработ тумани бўйича ғазначилик
бўлинмаси

Тошкент ш МБ ХККМ ББ МФО: 00014

х/р: 23402000300100001010

ИНН: 206919238 ОКОНХ: 97160

мудир

Х. Холиқулов





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
QO'SHRABOT TUMAN YURIDIK XIZMAT
KO'RSATISH MARKAZI

Qo'shrabot tumani Qo'ralos MFY Zahridin Muhammad Bobur ko'chsi

Davlat xizmatlari Markazi binosi

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

Hujjat raqami № GM24507807

1. Loyihaning turi: Pudrat shartnomasi.
2. Loyixaning nomi: Qo'shrabot tuman Xalq ta'limi bo'limi va "Oqtepa gaz qurilish" MCHJ o'rtasida pudrat shartnomasi.
3. Loyixa ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot. Qo'shrabot tuman Xalq ta'limi bo'limi.
4. Loyiha haqida huquqiy xulosa. Tuzilgan shartnoma O'zbekiston Respublikasi "Xo'jalik yurituvchi subektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni", "Davlat xaridlari to'g'risida" gi qonun, O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi pudrat shartnomasiga oid 37-bobi, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining, 31.01.2022 yildagi 46-son qarori va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 14.09.2021-yildagi PF-6313-son farmoniga muvofiq tuzilgan.

Markaz bosh yuristkonsul'ti



I.Karimov

2022-yil 14-sentabr.